

Narsalarning asl mohiyatini bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash, rost xabar va aqldir.

Imom Moturidiy

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Махмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Мухаммад АЙЁД** (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчisi

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

**Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 23 ноябрдаги 04-07/8931-сонли холосаси асосида тайёргланди.



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ҲАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**  
**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**  
**Зафар Фахриддинов,**  
*Исломчинослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**  
**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**  
**Зарифжон Гуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**  
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

**E-mail:** maturidijournal.uz  
**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz  
Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

**Zohidjon Islamov.**

«Муқаддамату-л-адаб» арабча сўзлигининг матний таҳлили..... 5

**Ramil Adygamov.**

Междисциплинарные подходы в исследованиях истории богословия..... 13

**Zafar Fakhreddinov.**

«Вужух ва назоир» илмида ижод қилган олимлар ва унга оид асарлар таҳлили ..... 23

**Jurabek Chutmatov.**

Ҳаким Термизий тафсирининг илк нашри ..... 31

**Ahmadkhan Alimov.**

Абул Лайс тафсири манбалари ва муфассирнинг услублари..... 42

### ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

**Azat Sarsenbaev, Nurulloh Turambetov.**

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида Қуръондан ҳуқуқий манба сифатида  
фойдаланиш услуби ..... 51

**Muhammadnur Murodkhanov, Khaydarali Yunusov.**

Imom Saraxsiy – xalqaro huquqshunos olim..... 59

### ДИНШУНОСЛИК

**Nigora Yusupova.**

Ўзбекистонда давлат қурилиши дунёвийлик принципларига асосланишининг  
ҳуқуқий асослари ..... 65

**Odiljon Ernazarov.**

Shamsuddin Samarcandiying xristianlik haqidagi qarashlari ..... 74

**Jurabek Sodikov.**

«Ta’vilot ahl as-sunna»da keltirilgan noislomiy din va e’tiqodlarga oid ma'lumotlar tahlili ..... 80

**Shahzoda Abduraimova.**

Distribution of religious media contents on websites in Germany ..... 90

**Behzodbek Soipov.**

Жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда бағрикенглик тамоилиининг  
аҳамияти ..... 96

### ИСЛОМ ТАРИХИ

**Sanabar Djurayeva.**

Toshkent viloyati ziyoratgohlarining tasnifi ..... 103

**Muhabbatkhan Agzamova.**

«Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарининг тарихий жараёнларни тадрижий  
ёритишдаги аҳамияти ..... 108

**Lola Azimova.**

Марказий Осиё цивилизацияси ривожида илмий масканларнинг ўрни ..... 115

**Oybek Sotvoldiyev.**

«Ат-Табақот ал-кубро» асари – сийрат ва тарожимга оид манба сифатида ..... 122

**Zarifjon Arslonov.**

Alixonto‘ra Sog‘uniy asarlarining ilmiy tasnifi va ularda ko‘tarilgan  
mavzular tahlili ..... 130

**ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ**

**Doniyor Muratov.**

Арбайн жанри хусусида ..... 139

**Akmalkhan Akmalkhanov.**

«Miftoh al-ulum» asarida bir harfdan iborat yordamchi so‘zlar talqini ..... 148

**Dilfuza Sagdullaeva.**

Рабғузий ижодида оятларни қўллашнинг услугубий хусусиятлари ..... 156

**Feruza Nizamova.**

Dehlaviy ijodida badiiyat an’analari ..... 163

**Bahodirjon Azamov.**

Ҳаким Термизий «ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна» асарининг  
манбашунослик таҳлили ..... 171

**Zafar Kh. FAKHRIDDINOV,**  
*Head of the Department of  
Publications of the Imam Maturidi  
International Scientific Research Center.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: z.fahrriddinov@iiau.uz*

**DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023/4/3**

**«ВУЖУХ ВА НАЗОИР» ИЛМИДА ИЖОД  
ҚИЛГАН ОЛИМЛАР ВА УНГА ОИД  
АСАРЛАР ТАҲЛИЛИ**

**SCHOLARS WHO WORKED IN THE  
SCIENCE OF "WUJUH AND NAZAIR"  
AND ANALYSIS OF RELATED WORKS**

**АНАЛИЗ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧЕНЫХ  
И ИХ ТРУДОВ ПО ДИСЦИПЛИНЕ  
«ВУДЖУХ И НАЗАИР»**

**КИРИШ**

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, «вужух ва назоир» илми Қуръон илмлари таркибидаги энг қадимий тармоқлардан хисобланади ҳамда унинг тарихи ислом илмлари таснифланмаган ва бир-биридан ажралиб чиқмаган даврларга бориб тақалади. «Кашф аз-зунун»да саҳобий Ибн Аббоснинг (ваф. 687 й.) мавлоси Икрима ибн Абдуллоҳга (ваф. 723 й.) тегишли «вужух ва назоир» илмига оид асар борлиги зикр қилинган (Яҳё ибн Салом, 1979:13).

Бизнинг давримизга қадар етиб келган «вужух ва назоир»га оид энг қадимги тўлиқ асар иккинчи ҳижрий асрга таалуқли бўлиб, унинг муаллифи Муқотил ибн Сулаймон Балхийдир (ваф. 767 й.) (Яҳё ибн Салом, 1979).

Мазкур йўналишда ўзи ҳам асар ёзган Ибн Жавзий (1116-1201) Муқотил ибн Сулаймондан илгарироқ фаолият юритган бошқа бир қатор муаллифларни ҳам санаб ўтган. Унинг келтирган маълумотига кўра, «вужух ва назоир» илмида илк бора саҳобий Ибн Аббос асар таълиф қилган бўлиб, ундан тобеийлар Икрима ибн Абдуллоҳ Маданий (ваф. 723 й.) ҳамда Али ибн Абу Талҳа (ваф. 760 й.) ривоят қилганлар. Демак, айрим тадқиқотчилар алоҳида асар сифатида зикр этадиган Икрима ва Али ибн Абу Талҳанинг асарлари аслида саҳобий Ибн Аббосга (ваф. 687 й.) мансуб асарнинг турли ривоятлари бўлган, деб

тахмин қилиш мумкин. Шундай бўлсада, айрим тадқиқотчилар Икрима ва Али ибн Абу Талҳани алоҳида асар муаллифи ўлароқ зикр қиласидилар.

Ибн Жавзий улардан кейин Муҳаммад ибн Соиб Калбийни (ваф. 763 й.) ҳам санаб ўтган. Муҳаммад ибн Соиб Калбий Куфа аҳли олимларидан бири бўлиб, насаб илми (генеология) билимдони, ҳадис ровийси, тафсир ва араб тарихи бўйича танилган олим, раъй мактабининг вакили сифатида тилга олинади (Ибн Халликон, 2006:309). У машҳур тарихчи, «Китоб ал-асном» муаллифи Ҳишом ибн Калбийнинг отасидир. Ўрта аср араб биографлари унинг Қуръон ва ҳадис илмлари билан шуғулланиб, тафсир, шажара ва араб тарихида имом даражасида улуғланганини қайд этадилар. Басра волийси Сулаймон ибн Али Аббосий (ваф. 759 й.) томонидан чақирилиб, Басра шаҳрида Қуръонни тафсир қилди ва барча муфассирлар эътиroz билдира олмайдиган даражада мукаммал тафсир яратди. Ибн Адий у ҳақида: «Калбий тафсири билан таникли киши бўлиб, бирор кимсада уникаличик узун ва тушунарли тафсир йўқ», деб таъриф берган (Ибн Адий, 1984). Муҳаммад ибн Соибнинг устозлари орасида юқорида зикр қилинган Икрима ибн Абдуллоҳ ва Ибн Аббоснинг ўғли Али ибн Абдуллоҳ (ваф. 736 й.) ҳам бор. Шу жиҳатдан унинг «вужух ва назоир» илмида етиб келмаган асари ҳам Ибн Аббосдан ривоят қилинган анъянанинг бир қисми бўлиши мумкин.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Юқорида санаб ўтилган муаллифларнинг «вужух ва назоир»га оид асарлари етиб келмагани боис, ҳозирги кунда ушбу соҳага тегишли энг қадимий манба Муқотил ибн Сулаймоннинг (ваф. 767 й.) «ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-Қуръон ал-азим» асари деб эътироф этилади.

Муқотил ибн Сулаймон Балх шаҳрида таваллуд топиб, милодий 767 йилда Басра шаҳрида вафот этган ва ўрта асрларда таникли ислом илоҳиётчиси ҳам муфассир бўлган. Унинг тўлиқ исми Абу-л-Ҳасан Муқотил ибн Сулаймон ибн Башир ал-Аздий ал-Балхий ал-Хурасоний бўлиб, илм талабида Балхдан чиқиб Марв, Бағдод ва Басра шаҳарларида истиқомат қилган. Шунингдек, Макка, Дамашқ, Байрут каби маданий марказ бўлган шаҳарларида таълим берган ва хизмат қилган. Умавийлардан Марвон Шга қарши чиқканлар билан бирга бўлган. Унинг Қуръон

**Аннотация.** Мазкур мақолада «вужсұх әуле» шарында ижод қылған олимлар, мазкур шарында оид асарлар, бүгунғи күнде олиб борилаётган тадқиқттар ҳақида маълумот берилған. «Вужсұх әуле» шарында ассоции саҳобий Ибн Аббос (р.а.), шүниндек, унинг шогирдлари бўлған тобеин Икрима ибн Абдуллоҳ ва Али ибн Абу Талҳа орқали силсилавий тарзда Мұхаммад ибн Саиб Калбий каби кўплаб илк давр Қуръон олимларига тарқалгани, аммо уларга мансуб асарлар ҳозирги кунга қадар етиб келмагани ёритилған. Шу сабабли, «вужсұх әуле» шарында оид сақланиб қолған энг қадимий манба Муқатил ибн Сулаймонга (ваф. 767 й.) тегишили «аль-Вужсұх әуле» асари экани, асарда унинг дүнёқараси ва эътиқодий ёндошувлари ҳам акс этгани, бу эса ўз даврида унга қўйилған айловлар ўринли эмаслиги, балки у тўғри эътиқод тарафдори бўлгани аниқланган. Бундан ташқари, Муқатил ибн Сулаймоннинг асари тарихи, таркибий тузилиши, замонавий нашри ҳамда тадқиқотчи ношири ҳақида қисқача маълумотлар берилған. Шу билан бирга, Муқатил ибн Сулаймондан кейинги даврда «вужсұх әуле» шарында тегишили асарлар ёзган Хорун ибн Мусо (ваф. 787 й.), Яхъя ибн Салом (ваф. 816 й.), Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) ва Исломил Ҳирий (ваф. 1039 й.) каби олимларнинг асарлари, улардаги ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, асарларнинг услубидаги ворисийлик ҳамда кейинчалик юзага келган ўзгаришлар очиб берилған.

Шүниндек, «вужсұх әуле» асарлардаги шарҳланган сўзларнинг ўзаро қиёсий таҳлили амалга оширилған ва сўзларнинг жойлашув тартибининг сабаблари муҳокама қилинганд. Шарҳланувчи сўзларнинг кетма-кеттиги мазкур сўзлар атами ўлароқ Қуръони каримнинг аввалидан охирiga қадар учраши тартибига асосланган борасидаги фараз илгари сурилған.

**Калит сўзлар:** Қуръон, Қуръон шарында, вужсұх, әуле, тафсир, шарҳ, талқин, лафз, маъно, исм.

**Abstract.** The article provides information about the scholars of “al-wujuh wan-nazair” science, which is one of the important branches of classic Qur’anic sciences, and the works they wrote. The science of “al-wujuh wan-nazair” traces back to many early scholars of the Qur’an, such as Muhammad ibn Saib Kalbi, through its founder, sahabi Ibn Abbas (r.a.), as well as his disciples, Ikrima ibn Abdullah and Ali ibn Abu Talha. It is explained that the related works have not reached the present day. The following has been revealed in the study: the oldest preserved source of the science of “al-wujuh wan-nazair” is the work “al-Wujuh wan-Nazair fil-Qur'an al-Azim” belonging to Muqatil ibn Sulayman (d. 767), his worldview and religious attitudes are also reflected in his work, which shows that the accusations against him in his time were not appropriate, but that he was a supporter of the right faith. In addition, brief information about the history, structure, modern edition, and researcher and publisher of Muqatil ibn Sulayman’s book is also given. At the same time, the works of scholars such as Harun ibn Musa (d. 787), Yahya ibn Salam (d. 816), Hakim Tirmidhi (d. 932), and Ismail Hiri (d. 1039), their similarities and differences, succession in the style of the works, and subsequent changes are revealed.

Also, a comparative analysis of the interpreted words in the works on “al-wujuh wan-nazair” was carried out and the reasons for the arrangement of the words were discussed. It is hypothesized that the sequence of the interpreted words is based on the order in which these words appear as terms from the beginning to the end of the Holy Qur'an.

**Keywords:** Qur'an, Qur'anic sciences, wujuh, nazair, tafsir; commentary, interpretation, word, meaning, name.

**Аннотация.** В данной статье представлена информация об учёных одной из важнейших отраслей наук Корана – «вуджух и назаир» и написанных ими трудах. Рассмотрено, что основателем науки «вуджух и назаир» является сподвижник Ибн Аббас (р.а.), а также, что его ученики Икрима ибн Абдуллах и Али ибн Абу Тальха передали эту науку от него многим ранним ученым-корановедам, таким как Мухаммад ибн Саиб Кальби, но принадлежащие им труды не дошли до наших дней. По этой причине, древнейшим сохранившимся источником по науке «вуджух и назаир» является труд «аль-Вуджух ва-н-назаир фи-л-Кур'ан ал-Азим», принадлежащий Муқатилю ибн Сулейману (ум. в 767 г.), в котором отражены его взгляды и вероученческие подходы, из чего вытекает что обвинения против него в свое время были неуместными, напротив, что он был сторонником правоверия. Кроме того, даются краткие сведения об истории труда Муқатиля ибн Сулеймана, о составной структуре, современных изданиях и издателе-исследователе данного труда. В то же время, выявляются труды таких ученых, как Харун ибн Муса (ум. 787), Яхъя ибн Салом (ум. 816), Ҳаким Тирмизи (ум. 932) и Исломил Ҳири (ум. 1039) относящиеся к науке «вуджух и назаир» написанные после Муқатиля ибн Сулеймана, их сходства и различия, преемственность и последующие изменения в стиле произведений.

Также был проведен сравнительный анализ комментируемых слов в трудах по «вуджух и назаир» и обсуждены причины их порядка расположения. Выдвигается гипотеза, что последовательность комментируемых слов основана на порядке появления этих слов как терминов от начала до конца Священного Корана.

**Ключевые слова:** Коран, Коранические науки, вуджух, назаир, тафсир, осмысление, толкование, слово, значение, название.

тафсири ўз даврида жуда машхур ва қадимий тафсирлардан хисобланади. Шунингдек, унинг «носих ва мансух»га оид асар ва қадарийларга қарши раддияси бўлгани ҳақида маълумотлар етиб келган.

Шу билан бирга, Муқотил ибн Сулаймон ҳақида кўплаб танқидий фикрлар ҳам бўлган. У «мужассима» ва «мушаббиҳа»ларга<sup>1</sup> мансубликда айбланган. Мисрлик олим ва файласуф Али Сомий Нашшор (1917-1980) «Исломда фалсафий фикрларнинг сарчашмаси» асарида у ҳақдаги зиддиятли фикрларни жамлаб, шундай дейди:

«У ҳақдаги фикрлар қарама-қарши бўлиб кетган. Унинг мақтовга сазовор муфассир бўлгани зикр қилинади ва айни вактда зайдийларнинг (шиаларнинг) муфассири ҳам дейилади. Шофеий уни катта муфассир, одамлар тафсир илмида унга эҳтиёжманд, деб эътироф этгани ҳолда, Абу Ҳанифа уни танқид қилган. Китобларда унинг «мужассима» бўлгани ҳамда яхудий ва насронийлардан илм олгани, Қуръонни «мужассима» ва «мушаббиҳа» йўлида тафсир қилишда уларга эргашгани, ҳадисда заиф экани, «ҳашавий»лар<sup>2</sup> томонда бўлиб, мазҳабига содик қолгани иттифоқ қилинган» (Али Сомий Нашшор, 2008:289).

Бу каби қарама-қарши фикрлар унинг асарларини шубҳа остига олиннишига сабаб бўлган. Аммо, «вужуҳ ва назоир» асарларининг анъанавий хусусияти ҳисобга олинса, муаллифнинг мазҳаби ёки ақидавий қарашлари асарга таъсир кўрсата олмаслиги англашилади. Чунки, бундай асарларда «назоир» сифатида шарҳланувчи сўз келтирилиб, кейин унинг «важҳ»лари санаб ўтилади ва ортиқча изоҳга ўрин ажратилмайди. Асарда келган айrim кисқа изоҳлар эса, унинг «мужассим» ва «мушабbih» бўлмаганини кўрсатади. Хусусан, у «Аллоҳнинг кўли уларнинг кўллари узрадир» (Фатҳ:10), – дейилган оятни «Аллоҳнинг уларга байъат ишида ато қилган фазли уларнинг шахсий фазилатларидан кўра афзалроқдир», – деб изоҳлаган. «У бандалари узра Қоҳирдир» (Анъом:18), – дейилган оятдаги «фавқ» сўзининг маъносини ҳукмронлик ва подшоҳлик, деб тафсир қилган (Муқотил ибн Сулаймон, 2005:223-225). Бу эса, муфассир нисбат берилган фирқаларнинг даъволарига зид далиллардир. Муқотил ибн

Сулаймон тўғрисидаги зиддиятли фикрлар унинг айrim сиёсий жараёнларда, хусусан, умавийларга қарши курашларда қатнашгани сабабли мухолифлари томонидан тарқатилган бўлиши эҳтимоли бор.

Муқотил ибн Сулаймоннинг «ал-Вужуҳ ва-назоир фи-л-Қуръон ал-азим» асарини ироқлик олим Хотим Солиҳ Зомин тадқиқ қилиб, нашрга тайёрлаган ва 2005 йилда чоп эттирган. Нашр муқаддимасида Ҳ.Зомин ушбу китоб илгари «ал-Ашбоҳ ва-н-назоир» номи билан хато тарзда нашр қилинганини танқид қилиб, ўз нашрида тўғрилаб чиқилган ўринларни қисқа келтириб ўтган. Тадқиқотчи ҳам асарнинг ушбу соҳага оид етиб келган манбаларнинг энг қадимииси эканини қайд этади.

### МУХОКАМА

Муқотил ибн Сулаймоннинг «ал-Вужуҳ ва-назоир фи-л-Қуръон ал-азим» асари Қуръонда келган 176ta сўзни қамраб олган бўлиб, биринчи сўз «ал-Ҳуда» (ҳидоят) ва охирги сўз «фавқ» (тепа, уст). Ҳ.Зомин сўзлар алифбо тартибида жойлашмагани учун асарнинг таркибий тузилишида аник бир йўналиш йўқ, деган фаразни илгари суради. Унинг фикрича, Муқотил ибн Сулаймон ўзидан кейин яшаган бир қатор муаллифларга таъсир кўрсатган. Хусусан:

1. Ҳорун ибн Мусо (ваф. 787 й.) – «ал-Вужуҳ ва-н-назоир фи-л-Қуръон ал-карим»;
2. Яҳё ибн Салом (ваф. 816 й.) – «ат-Тасориф»;
3. Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) – «Таҳсил назоир ал-Қуръон»;
4. Исмоил ибн Аҳмад Ҳирий (ваф. 1039 й.) – «Вужуҳ ал-Қуръон»;
5. Ҳусайн ибн Муҳаммад Домғоний (ваф. 1085 й.) – «ал-Вужуҳ ва-н-назоир ли-алфоз Китобиллоҳи-л-азиз»;
6. Ибн Жавзий (ваф. 1201 й.) – «Нузҳат ал-айн ан-навозир фи илми ал-вужуҳ ва ан-назоир»;
7. Ибн Имод Мисрий (ваф. 1482 й.) – «Кашф ас-сароир фи маъно ал-вужуҳ ва ал-ашбоҳ ва-н-назоир».

Ҳ.Зомин асар нашрини Саудия Арабистони Катта Жомеи қошидаги Унайза миллий кутубхонасида сақланувчи ягона нусханинг фотокопияси асосида амалга оширгани, фотокопияни эса Дубайдаги Жумъа ал-Можид маданият ва мерос марказида 4108 раками остида сақланишини айтади (Муқотил ибн Сулаймон, 2005:7-11). Нашр кўрсаткичлар ва жадваллар билан таъминланган.

<sup>1</sup> Аллоҳнинг жисми бор ва у яратикларидан бирига ўхшайди, деган эътиқоддаги фирмаларнинг умумий номи.

<sup>2</sup> Диний матнларни юзаки талқин қилиб, моҳиятига эътибор бермайдиган фирмаларнинг умумий номи.

Ноширнинг гувоҳлик беришича, ушбу нашр ҳозирги даврга қадар тайёрланган энг мукаммал ва тўлиқ нашрdir.

Муқотил ибн Сулаймондан кейин мазкур йўналишда асар битган муаллифларнинг кўпчилиги услубда унга эргашган. Ибн Жавзий Муқотил ибн Сулаймондан кейин яшаб ижод қилганлар қаторида Аббос ибн Фазл Ансорий (ваф. 802 й.), Матрух ибн Шокир (ваф. 894 й.), Абдуллоҳ ибн Ҳорун Ҳижозий, Абу Бақр Наққош (ваф. 962 й.), Абу Абдуллоҳ Домғоний (ваф. 1085 й.), Абу Али Банно (ваф. 1088 й.), Абу Ҳасан Зоғуний (ваф. 1133 й.) каби шахсларнинг номини санаб ўтган ва «вужух ва назоир» илмида барча нарсанни жамлаган бошқа бирортасини билмаслигини қайд этган (Ибн ал-Жавзий, 1987:83-84).

Шу билан бирга, Ибн Жавзий асарлари бизгача етиб келган «ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-Қуръони-л-карим» номли асар муаллифи Ҳорун ибн Мусо (ваф. 787 й.), «ат-Тасориф» асарини ёзган Яҳё ибн Салом (ваф. 816 й), «Таҳсил назоир ал-Қуръон» асаринитаълиф этган Ҳаким Термизий ва «Вужуху-л-Қуръон» муаллифи Исмоил ибн Аҳмад Ҳирий (ваф. 1039 й.) номларини келтириб ўтмаган.

Абу Абдуллоҳ Домғонийни истисно қилганда, Ибн Жавзий санаб ўтган олимларнинг асарлари етиб келгани маълум эмас. Фақат олимларнинг таржима ҳолларига оид табақот ва тарожим асарларда уларнинг исми ҳамда асар мавзуси келган холос.

Мисрлик олима Салво Мұхаммад ал-Аво «вужух ва назоир» илмидаги ўн учта (13) муаллифнинг китоби етиб келган, шундан еттитаси (7) чоп этилган бўлиб, қолгани кўлёзма ҳолатида эканини, бундан ташқари, номи маълум, аммо ўзи етиб келмаган ёки ҳали топилмаган, деб ҳисобланувчи асарлар ҳам мавжудлигини таъкидлайди (Ал-Аво Салво Мұхаммад, 1998:20). Яна бир мисрлик тадқиқотчи Нуруддин Мунажжид умумий ҳисобда маълум бўлган 35та асар ва муаллифни санаб чиққан. Уларнинг даврий жиҳатдан энг яқини хижрий ўн тўртинчи асрга оид бўлиб, Абдулҳодий Анборийга (ваф. 1888 й.) тегишли (Мунажжид Н.М., 1999:76-82).

Бундан маълум бўладики, ўз вақтида «вужух ва назоир» илмида асар ёзган олимлар кўп бўлган, аммо уларнинг асарлари, баъзан, бир-бирига маълум бўлмаган. Шунингдек, айримлари ҳозирги давргача етиб келмаган бўлса-да, ўз вақтида муайян илмий доираларда маълум бўлган. Шу

сабабдан, Муқотил ибн Сулаймоннинг «ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-Қуръон ал-азим» асари ҳозирда «вужух ва назоир»га оид асарларнинг энг қадимиysi ҳисобланса-да, ундан аввал ва бироз кейинроқ мазкур соҳада асар таълиф қилган бошқа олимлар ҳам борлиги маълум бўлади.

Муқотил ибн Сулаймондан кейин «вужух ва назоир» илмига бағишланган энг қадимги манба Ҳорун ибн Мусо ан-Наҳвийга (ваф. 786 й.) мансуб «ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-Қуръони ал-карим» номли асардир. Ҳорун ибн Мусо ёшлигида исломни қабул қилган яхудийлардан бири бўлган. Улгайгач, араб тили грамматикаси ва ислом илмлари бўйича олим бўлиб етишган. У арабларнинг Азд уруғи «мавло»си бўлгани учун ал-Аздий нисбасига эга бўлган. Басра шаҳрида араб грамматикасини чукур ўрганган, лугатшунослик бўйича мутахассис бўлиб етишган ҳамда Қуръон қироатларини мукаммал згаллаган ва қироатлар бўйича илк асар ёзган. 752 йилдан бошлаб то вафотига қадар Қуръон лугатига оид илмлар билан шуғулланган ва ушбу илмларнинг ривожига катта ҳисса қўшган.

Ҳорун ибн Мусо Халил Аҳмад Фароҳидийдан таълим олган ва машҳур грамматик Сибавайхнинг еттига устозидан бири бўлган. Басра шаҳрига келиб, у ерда ҳадис ривоят қилган. Яҳё ибн Маин уни «сиқа» – ишончли ровий ва қироат устози, деб эътироф этган (Ҳорун ибн Мусо, 1988:10-13). Мазкур эътирофлар бошқа кўплаб муҳаддис ва биографларда ҳам қайтарилади.

Салво Мұхаммад ал-Аво Ҳорун ибн Мусонинг қадарий ва мўътазилий бўлгани ҳақида маълумот келтирган (Ал-Аво Салво Мұхаммад, 1998:21). Аммо, тарихан олганда мўътазилийлар муҳаддислар томонидан эътироф этилиши қийин масала. Ҳорун ибн Мусо эса, айтиб ўтилгандек, ишончли ровий, деб билинган. Шунингдек, асардаги айrim «назоир»ларнинг «важх»лари бу маълумотнинг аксини кўрсатади. Масалан, араб тилида «кўл»дан ташқари бир неча маъноларга эга «йад» сўзининг биринчи маъноси том маънодаги кўл (йадун би-айниҳи) эканини айтади, аммо «Кўлим билан яратганим нарсага сажда қилишдан сени нима тўсди?» (Сод сураси, 75-оят), оягини мисол келтириб, кетидан «яъни Раҳмон таборака ва таолонинг кўли», деб изоҳлаган (Ҳорун ибн Мусо, 1988:366). Келтирилган оят ва изоҳга назар солинса, бу мисол мўътазила ақидасидаги

одамнинг эътиқодига мутлақо тўғри келмайди. Бу кўпроқ Муқотил ибн Сулаймон ноҳақ айбланган «мушаббиҳа» ва «мужассима» эътиқодига мос тушадиган таърифдир.

«ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-Куръон ал-карим» асарини ҳам ироқлик олим Хотим Солих Зомин ўтган XX асрнинг 80-йилларида нашрга тайёрлаб чоп эттирган. Асар икки юз саккизта (208та) бобдан иборат бўлиб, ундаги илк «назоир» сўз «ал-худā», охиргиси эса «ал-харб» сўзидир. Ҳ.Зомин ушбу асарда ҳам сўзлар алифбо тартибида бўлмагани учун муайян катъий йўналиш йўқ, муаллифнинг асарни тузишдаги ёндошуви ва йигирма тўртта янги сўзни қўшганини ҳисобга олмаса, Муқотил ибн Сулаймоннинг йўлига деярли тўла мос келади, деган фикрни айтган. Нашр Ирландия пойтахти Дублиндаги Честер Битти кутубхонаси фондида сакланаётган 3334 рақамли қўллэзма асосида тайёрланган.

«ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-Куръон ал-карим» Ҳорун ибн Мусонинг ўғли Абдуллоҳ ибн Ҳорун томонидан ривоят йўлида етиб келгани учун бошланғич қисмида асарнинг санади келтирилган. Сўзларнинг жойлашув тартиби Муқотил ибн Сулаймон тартибига яқин, лекин бир хил эмас.

Ҳ.Зомин мазкур асар ўзидан кейин ёзилган асарларга катта таъсир кўрсатганини қайд этиб, унга суюниб яратилган китоблар қаторида Яҳё ибн Саломнинг «ат-Тасориф» ҳамда Ҳаким Термизийнинг «Таҳсил назоир ал-Куръон», Ибн Имоднинг «Кашф ас-сароир» асарларини зикр этиб ўтади. У ўз сўзларининг исботи сифатида мазкур муаллифлар асарлари Ҳорун ибн Мусо жорий қилган тартибга асосланганини келтиради, аммо учала асарда ҳам на Ҳорунга, на унинг асарига ишора борлигидан ажабланади. Ҳ.Зомин асарга ёзган кириш қисмида Ҳорун ибн Мусо тартибида Муқотил ибн Сулаймонга эргашганини айта туриб, сўнgra айни тартибни Ҳоруннинг ўзи жорий қилган, деган хulosасининг ўзи ажабланарли.

Яҳё ибн Саломнинг «ат-Тасориф» асари ҳақида батафсил тўхталиб ўтишдан аввал, ушбу асардаги сўзлар тартиби Муқотил ибн Сулаймон ва Ҳорун ибн Мусонинг тартибидан энг кўп фарқ қилишини қайд этиш керак.

Яҳё ибн Саломнинг (741-815) тўлиқ исми – Яҳё ибн Салом ибн Абу Саълаба ат-Таймий бил-вало (мавло) ал-Басрий сумма-л-Ифрикий ал-Қайрувоний. У муфассир, факих, ҳадис

илмлари бўйича олим бўлиб танилган. Кўфа шаҳрида туғилиб, отаси билан Басрага бориб, сўнgra Миср ва Шимолий Африкага бориб, ўша ерда муқим қолиб кетади. Унинг ҳаёти тўғрисида келтирилган маълумотлар жуда кам. Келтирилган қисқа маълумотлардан унинг табаа тобеийлардан экани маълум бўлади. Хусусан, унинг: «Қанча олимлар билан учрашганимни ўзимча санаб кўрдим ва уч юз олтмиш учта олимни санадим. Шулардан йигирма тўрттаси тобеий ва битта Оиша розияллоҳу анҳодан ҳадис айтадиган аёл бор эди», – деган сўзлари етиб келган (Яҳё ибн Салом, 1979:118).

Яҳё ибн Саломнинг «Тасориф»и ҳам «вужух ва назоир»га оид энг қадими асарлардан бири ҳисобланади. Асар кичик бўлимлардан ташкил топган. Ҳар бир бўлим Қуръоннинг муайян сўзига («назоир»га) бағишиланган бўлиб, муаллиф уларнинг «важҳ»ини тафсир, деб номлади. Масалан, «охират» сўзининг тафсири бешта «важҳ»да келган. Сўзларнинг жойлашуви алифбо тартибида эмас, бирорта муаллиф бундай жойлашув тартибининг сабабини изоҳламагани сабаб, тадқиқотчилар мазкур тартиб Муқотил ибн Сулаймон тартибига мувофиқ ҳолда жорий бўлган, дейишади (Ал-Аво Салво Мухаммад, 1998:21). Аммо, Муқотил ибн Сулаймон нега айнан бу тартибни ихтиёр қилгани ҳам маълум эмас. Бу тартиб Қуръондаги сўзларнинг бошидан охирiga қадар учрай бошлишига асосланган, деб мулоҳаза қилиш мумкин. С.Авонинг фикрича, бундай тартиб нафақат «вужух ва назоир»да, балки, Қуръон ва тафсир илмларининг бошқа бўлимларида ҳам учрайди.

«Тасориф»нинг бошқа номи «Тафсир ал-Куръон мимма-штабаҳат асмоуху ва тасаррафат маонийҳи» (Қуръондаги исми ўхшаш ва маъноси турлича бўлган нарсалар тафсир) бўлиб, биринчи «назоир» анъанага қўра «ал-худа», охиргиси эса «ал-охира» – умумий ҳисобда бир юз ўн бешта сўз шарҳланган. Асарни тадқиқ қилиб, нашр этган тунислик олима Ҳинд Шалабий таъкидлашича, «ат-Тасориф» асари, таникли бўлмаган манбаларга киради. Ушбу асар Яҳё ибн Салом зикр қилинган «тарожим» (биографик) манбаларнинг бирортасида зикр қилинмаган, улум ал-Қуръонга оид асарлар ва «вужух ва назоир» китобларининг бирортасида «ат-Тасориф»га ишора йўқ. Аммо, унинг алоҳида «Тафсир» асари маълум. Ҳ.Шалабий

«ат-Тасориф»да келган шархларни «Тафсир»даги айни ўринлар билан солишириб, иккала асар Яхё ибн Саломга тегишли эканини исботлаб берган. Аммо, асарнинг номаълум қолгани сабабини изоҳлашда тахминий хуносаларга таянади (Яхё ибн Салом, 1979).

Ҳ.Зомин ва Ҳ.Шалабий Яхё ибн Салом асарни тузишда Муқотил ибн Сулаймонга эргашган, деган фикрни илгари сурсалар-да, «ат-Тасориф» дастлабки ўнта «назоирдагина» Муқотил ибн Сулаймон тартиби билан мувофиқ келади. Кейин эса, «назоир»ларда ҳам, «важх»ларда ҳам фарқлар тобора кўпроқ кўзга ташланба бошлади. 89-«назоир»дан кейинги сўзлар Муқотил ибн Сулаймонда мутлақо учрамайди. Бу Яхё ибн Саломнинг Муқотил ибн Сулаймондан ёки унинг асаридан таъсирланганини истисно қиласидиган ҳолатдир.

Яхё ибн Саломнинг Куръондаги сўзларга берган тафсири ёки шархи ўта мўъжаз бўлиб, нозил бўлиш сабаби, қироатлар ёки ундан бошқа илмлардан мисоллар келтириб ўтилмайди. У ўзидан аввалги муаллифлар тутган йўлдан юрган ҳолда муайян сўзниң маъноларини санаб ўтар экан, ўша маъно акс этган оятни келтириб ўтиш билан чекланади. Ўкувчидан қайси ўринда айнан шу маъно акс этаётганини контекстдан билиб олиш талаб этилади.

### НАТИЖА

Мазкур муаллифларнинг дастлабки тўрттаси ушбу соҳага дастлаб кўл урган олимлардан ҳисобланиб, уларнинг асарлари услугуб жиҳатидан бир хил йўлдан кетган. Ҳаким Термизий ушбу уч салафи билан асарнинг тузилиш услубида бир йўлдан кетган. Қисқача айтганда, «вужух ва назоир» бўйича илк тўлиқ асар ёзган Муқотил ибн Сулаймон «назоир»ларни санашда энг аввал «ал-худа» сўзидан бошлаб, сўнгра «ал-куфр», «аш-ширқ», «сава», «ал-мараз», «ал-фасад», сўзларининг шархи билан давом этиб кетган. Рўйхат нега айнан бу тартибда кетганига бирор ерда изоҳ берилмаган. Ҳақиқатга яқинроғи, ушбу тартиб, мазкур сўзларнинг Куръоннинг дастлабки бетидан кетма-кетма учрай бошлашига асосланса керак. Масалан, «ал-худа» Бақара сурасининг 1-оятида келса, «ал-куфр» (ўзак), «сава» айни суранинг 6-оятида, «ал-мараз», «ал-фасад» (ўзак) 10 ва 11-оятларида келади ва бундан аввал учрамайди. Бироқ айни тартиб мунтазам эмас,

чунки рўйхатда учинчи саналган «аш-ширқ» сўзи уларнинг орасида учрамайди. Муқотил ибн Сулаймонга издош мақомидаги Ҳорун ибн Мусо, Яхё ибн Салом ва Ҳаким Термизий ҳам айнан шу тартибни асос қилиб олганлар. Бироқ, дастлабки учта «назоир»дан сўнг ҳар бир муаллиф сўзларнинг сони, танланиши ва кетма-кетлигига жузъий фарқларга йўл қўя бошлагани кўзга ташланади.

Ҳаким Термизий келтирган «назоир»ларнинг йигирма учтаси (23та) Муқотил ибн Сулаймоннинг рўйхатида мавжуд эмас. Муқотил ибн Сулаймон санаб чиқкан бир юз олтмиш тўртта (164та) «назоир»дан фақат эллик саккизтаси (58та) Ҳаким Термизий билан мувофиқ келади. Шу билан бир қаторда, Муқотил ибн Сулаймон келтирган «назоир»ларнинг кўпи Ҳаким Термизийнинг рўйхатида йўқ. Бу икки муаллифнинг ўзаро таъсирини минимал даражада эканини кўрсатади. Яъни, ўхшашлик сўзлар кетма-кетлиги тартибининг танланишидагина кўзга ташланади. Асарнинг таркибий тузилишида эса кўп фарқлар мавжуд.

Ҳаким Термизийга давр жиҳатидан энг яқин, аммо минтақа жиҳатдан энг узок худудда яшаган Яхё ибн Салом бир юз ўн бешта (115та) «назоир»ни санаган бўлиб, унинг рўйхати атиги ўттиз иккита (32та) «назоир»да Ҳаким Термизийга мувофиқ келган. Яхё ибн Саломнинг рўйхати бошқа муаллифларнидан ҳам кескин фарқ қиласи.

Ҳаким Термизий келтирган «назоир»лар рўйхатига энг кўп мувофиқ келадигани Ҳорун ибн Мусонинг «ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-Куръони-л-карим» асари бўлиб, унда етмиш саккизта сўзда мувофиқлик мавжуд. Энг кам мувофиқ келадигани эса Яхё ибн Саломнинг «ат-Тасориф» асари бўлиб, ўттиз иккита сўз мувофиқликка эга. Бироқ, «ал-хавф», «ас-салат», «ан-нас» сўзлари Ҳорун ибн Мусода учрамайди. Муқотил ибн Сулаймон ва Яхё ибн Саломда эса учрайди. Бир дона «ар-рада» сўзи эса фақат Ҳаким Термизийда учрайди. Ушбу бир-бирига издош олимларнинг ўзаро илмий таъсири масаласи эса чукур тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ аниқлаштирилиши мумкин.

«Таҳсил назоир ал-Куръон»даги услугуб масаласига ҳам қисқача тўхталиб ўтиладиган бўлса, Ҳаким Термизий аввал «назоир» деб тадқиқ қилинаётган сўзни келтириб, кейин унинг

мухим «важҳ»ларини санаб ўтади. Масалан, асарда шарҳланаётган биринчи сўз «ал-худā» бўлиб, Ҳаким Термизий «ал-худā» сўзининг лугавий маъноси, яъни «назоир»ини келтириб ўтгандан сўнг, унинг ўн бешта (15) «важҳ»и яъни турли ўринлардаги маъноларини санаб ўтади. Ушбу шарҳларни Муқотил ибн Сулаймон, Хорун ибн Мусо ва Яхё ибн Саломлар ҳам рўйхати билан солиштирилса, улар ҳам айнан «ал-худā» сўзининг ўн еттига (17) важҳини санаганлар.

Кейинги ўринда шарҳланган сўз «ал-куфр» бўлиб, унинг ҳам лугавий маъносидан кейин бешта «важҳ»и саналган. Шу йўсинда 3) «аш-ширқ», 4) «савā», 5) «ал-мараз», 6) ал-фасād, 7) «ал-машйу» каби саксон битта сўз шарҳланган. Баъзи сўзлар шарҳига кўп жой ажратилган, шарҳлар ҳам батафсил берилган, баъзилари мухтасар шарҳлаб ўтилган. Айрим ўринларда фикрни тасдиқлаш учун оятлардан мисоллар келтирилган.

Ушбу шарҳларда умумий ва фарқли жиҳатлар мавжуд бўлиб, Ҳаким Термизийнинг услуби бу анъанадаги сўнгги асар хисобланади. Чунки, даврий жиҳатдан кейинги ўринда турувчи И smoil Ҳирий соҳага тегишли асарини буткул бошқа услубда ёзишни бошлаган.

И smoil Ҳирийнинг тўлиқ исми Абу Абдураҳмон И smoil ибн Аҳмад аз-Зарир ал-Ҳирий ан-Найсабурий бўлиб, унинг «Вужуҳ ал-Қуръон ал-карим» асари Фотима Юсуф ал-Хаймий томонидан тадқиқ қилиниб, нашрга тайёрланган ва чоп этилган (Ал-Ҳирий, 1995:388). И smoil Ҳирий ўз асарини алифбо тартибидаги бобларга бўлиб чиққан. Бу тартиб «хижойи» тартиб деб ном олиб, кейинги даврдаги асарлар учун намуна бўлиб хизмат қилган. И smoil Ҳирий ҳар бир бобни «китоб», деб номлайди. Масалан, биринчи боб «Китоб ал-алиф», деб номланиб, унда Қуръони каримда алиф ҳарфи қандай маъноларни англатганига йигирма бешта (25та) «важҳ» келтирилган.

И smoil Ҳирийдан кейин асар ёзган И бн Жавзий, Домғоний ва улардан кейинги муаллифлар Муқотил ибн Сулаймоннинг эмас, Ҳирийнинг услугбини намуна қилиб олдилар. Шу жиҳатдан уларнинг асарларига алоҳида тўхталиб ўтишнинг эҳтиёжи йўқ. Демак, аввалги тартиб бўйича ёзилган китобларнинг энг сўнгги намунаси Ҳаким Термизийнинг «Таҳсил назоир ал-Қуръон» асари хисобланади.

## ХУЛОСА

Юқорида келтириб ўтилганларни умумлаштирган ҳолда қўйидаги хуласаларга келиш мумкин:

«Вужуҳ ва назоир» илми Қуръондаги кўпмаънолилик (полисемия) ва шаклдошлик (омонимия) муаммоларини ўрганувчи илм тармоғи бўлиб, унинг тарихи илк ислом даврига бориб тақалади. «Вужуҳ ва назоир» илми Қуръондаги алоҳида сўзларнинг тафсири ва таъвилига тўғри ёндашишнинг муҳим омилларидан бўлиб, унинг силсиласи саҳобий И бн Аббос (р.а.) ва шогирдларига етиб боради. Ушбу илм тармоғи кўп асрлар мобайнида Қуръон илмларига бағишлиланган асарлар таркибида ва алоҳида асарлар қўринишида бизнинг давримизга қадар етиб келган. Мутахассислар фойдаланиши ёки умуман илмий жамоатчилик истифода этиши учун тўлиқ академик ва илмий изоҳли таржимани амалга оширишда замонавий қуръоншунослик ютуқлари билан бир қаторда, мумтоз Қуръон илмлари, айниқса, «вужуҳ ва назоир» илми ҳам ҳозирга қадар ўз долзарблигини йўқотмаган.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Яхё ибн Салом. (1979). Ат-Тасориф. Ҳ.Шалабий тадқиқоти. Тунис: Дор ат-Тунисия ли-н-нашр.
2. Ал-Аво Салво Муҳаммад. (1998). ал-Вужуҳ ван-назоир фил-Қуръон ал-карим. Байрут: Дор аш-шуруқ.
3. И бн Халликон. (2006). Вафоёт ал-аъён. Ж. 4. Мактаба аш-шомила.
4. Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Журжоний И бн Адий. (1984). Ал-Комил фий зуафо ар-рижол. Байрут: Дор ал-фикр. Т. 6.
5. Али Сомий Нашшор. (2008). Нашъат ал-фикр ал-фалсафий фил-ислам. Қоҳира: Дор ал-маориф.
6. Муқотил ибн Сулаймон. (2005). ал-Вужуҳ ва-н-назоир фил-Қуръон ал-азим. Ҳ.С.Зомин нашрга тайёрлаган. Бағдод-Дубай: Марказ Жумъа ал-Можид.
7. И бн ал-Жавзий. (1987). Нуҳат ал-аъён ан-навозир фи илм ал-вужуҳ ва ан-назоир. Байрут: Муассаса ар-рисола.
8. Мунажжид Н.М. (1999). ал-Иштирок ал-лафзий фил-Қуръон ал-карим: байна-н-назария ва-т-татбиқ. Дамашқ: Дор ал-фикр.
9. Хорун ибн Мусо. (1988). ал-Вужуҳ ва-н-назоир фил-Қуръони-л-карим. Ҳ.С.Зомин нашрга тайёрлаган. Бағдод: Визора ас-сақофа вал-эълом.

10. И smoил и бн Аҳмад ал-Ҳирий. (1995). Вужух ал-Қуръон ал-карим. Ф.Хаймий нашрға тайёрлаган. Дамашқ: Дор ас-сақо.

**REFERENCES**

1. Yahya ibn Salam. (1979). At-Tasarif. edited by H.Shalabi. Tunis: Dar at-Tunisiya lin-nashr.
2. Al-Awa Salwa Muhammad. (1998). al-Wujuh van-nazoir fil-Qur'an al-karim. Beirut: Dar ash-shuruq.
3. Ibn Khallikan. (2006). Wafayat al-a'yan. Vol. 4. Maktaba ash-shamilah.
4. Abu Ahmad Abdullah ibn Abdallah Jurjani ibn Adi. (1984). Al-Kamil fi zuafa ar-rijal. Beirut: Dar al-fikr. Vol. 6.
5. Ali Sami Nashshar. (2008). Nash'at al-fikr al-falsafi fil-islam. Cairo: Dar al-maarif.
6. Muqatil ibn Sulayman. (2005). al-Wujuh wa-n-nazair fi-l-Qur'an al-azim. published by H.S.Zamin. Baghdad-Dubai: Markaz Jum'a al-Majid.
7. Ibn al-Jawzi. (1987). Nuzhat al-a'yun an-nawazir fi ilm al-wujuh wa an-nazair. Beirut: Muassasa ar-risala.
8. Munajjid N.M. (1999). al-Ishtirak al-lafziy fi-l-Qur'an al-karim: bayna-n-nazariya wa-t-tatbiq. Damashq: Dar al-fikr.
9. Harun ibn Musa. (1988). al-Wujuh va-n-nazair fi-l-Qur'ani-l-karim. published by H.S.Zomin. Baghdad: Wizara ath-thaqafa wal-i'lam.
10. Ismail ibn Ahmad al-Hiri. (1995). Wujuh al-Qur'an al-karim. published by F.Khaymi. Damascus: Dar as-saqa.



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўкув юрглари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари,  
мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتریدیة - Матуридизм

4/2023

*Бош мұхаррір:* Ж.Каримов

*Мұхаррір:* З.Фахриддинов

*Нашир учун масъул:* З.Арслонов

*Чет тилларидаги матнлар мұхарріри:* О.Сотволдиев

*Дизайнер-саҳифаловчи:* З.Ғуломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiyuz](mailto:info@moturidiyuz)

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босишига 28.12.2023 йил рухсат этилди. Бичими  $60 \times 84 \%$ .  
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.  
Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 20.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



**IMOM MOTURIDIY**

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية